بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَٰنِ الرَّحِيمِ

# ҚИРҚ ҲАДИС

*Жиброил ҳадиси асосида*

Муаллиф: Дервеш

Мадинаи Мунаввара, 2026
Ҳижрий 1448, Рабиул аввал

# ҚИРҚ ҲАДИС

*Жиброил ҳадиси асосида*

## МУНДАРИЖА


**1-ҳадис — Жиброил ҳадиси**

**I БОБ — ИСЛОМ**

А. Шаҳодат — 2, 3-ҳадислар

Б. Намоз — 4, 5, 6, 7-ҳадислар

В. Закот — 8, 9-ҳадислар

Г. Рўза — 10, 11, 12-ҳадислар

Д. Ҳаж — 13, 14-ҳадислар

**II БОБ — ИЙМОН**

А. Аллоҳга иймон — 15, 16-ҳадислар

Б. Фаришталарга иймон — 17, 18-ҳадислар

В. Китобларга иймон — 19, 20-ҳадислар

Г. Пайғамбарларга иймон — 21, 22-ҳадислар

Д. Охират кунига иймон — 23, 24, 25, 26-ҳадислар

Е. Тақдирга иймон — 27, 28, 29-ҳадислар

**III БОБ — ЭҲСОН** — 30, 31, 32, 33-ҳадислар

**IV БОБ — ҚИЁМАТ** — 34, 35, 36, 37-ҳадислар

**V БОБ — ҚИЁМАТ АЛОМАТЛАРИ** — 38, 39, 40-ҳадислар

**VI БОБ — ЖИБРОИЛ ҲАДИСИДАН ИБРАТ ВА ҲИКМАТЛАР** — 28 банд

**Хотима**

# МУҚАДДИМА

Биз ушбу тўпламда нега айнан Жиброил ҳадисини асос қилиб олдик? Чунки бу — ҳадисларнинг сайидидир (яъни энг улуғи, энг афзали): унда фариштаяларнинг сайиди — Жиброил алайҳиссалом — тўғридан-тўғри инсонларнинг сайиди — Муҳаммад алайҳиссаломга таълим бердилар. Шунинг учун ҳам Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам, у зот чиқиб кетгач, саҳобаларига: «Бу — Жиброил эди, сизларга динингизни ўргатгани келган эди» деб эътироф этдилар.

Шу боис биз ушбу улуғ ҳадис асосида, унинг беш савол-жавоби (Ислом, Иймон, Эҳсон, Қиёмат ва унинг аломатлари) атрофида, қолган саҳиҳ ҳадисларни жамладик.

Кўп ўринда ҳар мавзу икки томондан кўрсатилди: аввал буюрилган, тарғиб қилинган амал ҳақидаги ҳадис, сўнг «(зид)» деб белгиланган — шу амалга қарши бўлган, огоҳлантирувчи ҳадис. Мақсад — амал қилинса нима ютилиши, тарк этилса нима йўқотилишини бирга кўрсатишдир.

Аллоҳ таоло Иброҳим сурасида (14:24-25) гўзал сўзни (тавҳид калимасини) гўзал дарахтга мисол қилди: «Унинг илдизи собит, шохлари эса осмонга кўтарилган. У Роббисининг изни билан ҳар вақт мевасини беради.» Мана шу дарахт — ушбу беш савол-жавобнинг энг яқин кўзгусидир.

**Иймон** — илдиздир: ер остида яширин, кўринмайди, лекин бутун дарахтга ҳаёт берувчи. Илдиз қуриса — дарахт ўлади; иймон бўлмаса — қалб ҳам, гарчи тирик кўринса-да, аслида ўлик қалбдир.

**Ислом** — тана ва шохлардир: кўзга кўринади, осмонга — юксакликка — интилади. Худди тана ва шохлар илдизсиз тик тура олмагани каби, дин ҳам амалсиз ўз комиллигига ва гўзаллигига эриша олмайди.

**Эҳсон** — мевадир: дарахтнинг асл мақсади, Роббининг изни билан «ҳар вақт» бериладиган ҳосил. Илдиз ва шохлар бор бўлса-да, мевасиз дарахт ўз мақсадига етмагандир — иймон ва амал бор бўлса-да, ихлоссиз ибодат ҳам ўз мевасини бермагандир.

**Қиёмат** — дарахтнинг умри тугашидир: инкор қилиб бўлмас, ҳар кун кўз ўнгимизда содир бўлаётган очиқ далил. Ҳеч ким ўз ажалининг соатини билмайди, лекин ҳеч ким ундан қоча олмайди.

**Қиёмат аломатлари** — қуриш белгиларидир: биздан аввалги бирор жон тирик қолмагани, ана шу ўзи етарли далилдир. Агар ҳар бир алоҳида дарахт қуришдан қочолмаган бўлса, бутун боғнинг якуний ажали ҳам шундай муқаррардир.

Биз ушбу китобда, Жиброил ҳадисидаги беш савол-жавобдан бир ожизона қиёс келтиришга ҳаракат қилдик. Биз бу қиёсларни буюк Роббимизнинг фазли билан топишга ҳаракат қилдик, лекин Роббимиз Ас-Самад бўлган Зотдир — бундан мутлоқ беҳожатдир! Қиёсимизда заифлик, нуқсон бўлса, мағфират қилсин!

Бу қирқ ҳадис тўпламидан мақсад — Буюк ягона Роббимизни танитиш ёки мўмин учун динимиздан эслатмадир! Бу тўпламни Роббимиз барчамизга манфаатли қилсин!

*«Ва эслатгин! Албатта, эслатиш мўминларга манфаат берур» — Зориёт сураси, 55-оят*

**1-ҲАДИС — ЖИБРОИЛ ҲАДИСИ**

*Умар ибн Хаттоб р.а. ривоят қилади: Бир куни биз Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларида ўтирган эдик, кийимлари ўта оппоқ, сочлари қоп-қора бир киши кириб келди... У Пайғамбар с.а.в.нинг олдиларига ўтириб, Ислом, Иймон, Эҳсон ва Соат (Қиёмат) ҳамда унинг аломатлари ҳақида савол берди. У зот ҳар бирига жавоб бердилар. Киши чиқиб кетгач, Пайғамбар с.а.в.: «Бу — Жиброил эди, сизларга динингизни ўргатгани келган эди» дедилар.*
*Манба: Муслим, 8-ҳадис (Шунингдек: Бухорий, 50-ҳадис)*

# I БОБ — ИСЛОМ

## А. Шаҳодат

**2.** *Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Муоз ибн Жабални Ямангa юборганда дедилар: «Сен аҳли китоб бўлган қавмнинг олдига борасан. Уларни энг аввало даъват қиладиган нарсанг — Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқлигига ва мен Аллоҳнинг элчиси эканимга гувоҳлик беришлари бўлсин...»*

Манба: Бухорий, 1395-ҳадис; Муслим, 19-ҳадис

**3.** *Абдуллоҳ ибн Масъуд р.а.дан: бир киши сўради: «Эй Аллоҳнинг Расули! Аллоҳнинг ҳузурида қайси гуноҳ энг катта?» У зот: «Сени яратган Аллоҳга шерик даъво қилишинг» дедилар.*

Манба: Бухорий, 4477-ҳадис; Муслим, 86-ҳадис (зид)

## Б. Намоз

**4.** *«Банда билан куфр орасида намозни тарк этиши бор.»*

Манба: Муслим, 82-ҳадис

**5.** *«Банда Қиёмат кунида энг аввало намоздан ҳисоб-китоб қилинади. Агар намози дуруст чиқса, қутулибди ва ютибди...»*

Манба: Термизий, 413-ҳадис (ҳасан/саҳиҳ)

**6.** *«Айтингчи, агар бирортангизнинг эшиги олдида дарё бўлса-ю, унда ҳар куни беш марта чўмилса... Мана шу — беш вақт намознинг мисоли: Аллоҳ улар билан гуноҳларни шундай ювиб-тозалайди.»*

Манба: Бухорий, 528-ҳадис; Муслим, 667-ҳадис

**7.** *«Аёл ҳайз кўрганда намоз ўқимайди ва рўза тутмайди эмасми?»*

Манба: Бухорий, 304-ҳадис

## В. Закот

**8.** *«Садақа моли ҳаргиз камаймайди. Аллоҳ авф қилган бандасининг иззатини зиёда қилади...»*

Манба: Муслим, 2588-ҳадис

**9.** *«Ким олтин-кумуш эгаси бўлиб, улардан ҳаққини (закотини) бермаса, қиёмат куни унинг учун оловдан тахталар ясалиб, жаҳаннам ўтида қиздирилади. Сўнг улар билан унинг биқини, пешонаси ва орқаси дағланади. Улар совигандан сўнг яна қайта қиздирилади — бандалар орасида ҳукм чиқарилгунча давом этадиган, эллик минг йилга тенг бўлган кунда.»*

Манба: Муслим, 987-ҳадис (зид)

## Г. Рўза

**10.** *«Ким Рамазонни иймон ва савоб умиди билан рўза тутса, унинг ўтган гуноҳлари кечирилади.»*

Манба: Бухорий, 38-ҳадис; Муслим, 760-ҳадис

**11.** *«Ким ёлғон сўзни ва унга амал қилишни тарк этмаса, Аллоҳнинг унинг таом-шаробини тарк этишига ҳожати йўқдир.»*

Манба: Бухорий, 1903-ҳадис (зид)

**12.** *«Қанчадан-қанча рўза тутгувчилар борки, унинг рўзасидан фақат очлик ва ташналикдан бошқа ҳеч нарса қолмайди.»*

Манба: Ибн Можа, 1690-ҳадис (ҳасан/саҳиҳ) (зид)

### Д. Ҳаж

**13.** *«Ким ушбу уйни ҳаж қилиб, фаҳш сўз айтмаса ва фосиқлик қилмаса, онасидан янги туғилгандек қайтади.»*

Манба: Бухорий, 1521-ҳадис; Муслим, 1350-ҳадис

**14.** *«Ҳаж — бир маротаба (фарз), ким ортиқча қилса, бу унинг учун нафл бўлади.»*

Манба: Абу Довуд, 1721-ҳадис; Насоий, 2620-ҳадис (саҳиҳ)

**ИЛМ АҲЛЛАРИ ИСЛОМНИ ШУНДАЙ ТАЪРИФЛАШГАН ЭКАНЛАР:**

Ислом — диннинг зоҳирий (ташқи) амаллари ва бўйинсунишидир: шаҳодат, намоз, закот, рўза ва ҳаж — бу Исломнинг беш устунидир, ва солиҳ инсон бу амаллар орқали намоён бўлади.

Уламолар таърифича: *«Ислом — банданинг ўз Яратувчисига зоҳиран бўйинсуниши ва таслим бўлишидир — тил билан иқрор, аъзолар билан амал. У иймоннинг ташқи кўринишидир!»*

# II БОБ — ИЙМОН

## А. Аллоҳга иймон

**15.** *«Аллоҳ бор эди, Ундан бошқа ҳеч нарса йўқ эди.»*

Манба: Бухорий, 3191-ҳадис

**16.** *«Ҳар бир туғилган бола фитрат билан туғилади. Сўнгра ота-онаси уни яҳудий, насроний ёки мажусий қилади.»*

Манба: Бухорий, 1358-ҳадис; Муслим, 2658-ҳадис

## Б. Фаришта/ларга иймон

**17.** *«Фаришталар нурдан яратилгандирлар. Жинлар оловнинг тутунидан яратилгандир. Одам сизга васф қилинган нарсадан яратилгандир.»*

Манба: Муслим, 2996-ҳадис

**18.** *«Албатта Аллоҳнинг ерда сайр қилувчи фаришталари бор — улар зикр мажлисларини қидириб юрадилар...»*

Манба: Бухорий, 6408-ҳадис; Муслим, 2689-ҳадис

## В. Китобларга иймон

**19.** *«Сизларнинг энг яхшиларингиз — Қуръонни ўрганган ва уни ўргатганлардир.»*

Манба: Бухорий, 5027-ҳадис

**20.** *Умар ибн Хаттоб р.а. Тавротдан бир саҳифани Пайғамбар с.а.в.нинг олдиларига олиб келди. Пайғамбар с.а.в. буни кўриб ғазабландилар ва: «...Агар Мусо ҳозир тирик бўлганида ҳам, менга эргашишдан бошқа чораси йўқ эди» дедилар.*

Манба: Аҳмад, 15156-ҳадис (ҳасан) (зид)

## Г. Пайғамбарларга иймон

**21.** *Шафоат ҳадиси: Қиёмат куни одамлар Одамга, сўнг Нуҳга, Иброҳимга, Мусога, Ийсога боришади, ҳар бири ўз узрини айтиб кейингисига йўллайди, то Муҳаммад алайҳиссаломга етгунча.*

Манба: Бухорий, 7440-ҳадис; Муслим, 193-ҳадис

**22.** *«Мени Мусодан афзал деб билманглар.»*

Манба: Бухорий, 2411-ҳадис; Муслим, 2374-ҳадис (зид)

## Д. Охират кунига иймон

**23.** *Қабр саволи: «Банда қабрга қўйилгач, унга икки фаришта келиб: "Роббинг ким?" дейдилар... Мўмин: "Роббим Аллоҳдир, диним Исломдир" дейди.»*

Манба: Бухорий, 1374-ҳадис; Муслим, 2871-ҳадис

**24.** *«Мана шу иккови азобланмоқда, лекин катта гуноҳ учун эмас. Бири сийдикдан сақланмас эди, иккинчиси эса ғийбат-чақимчилик қилиб юрар эди.»*

Манба: Бухорий, 216-ҳадис; Муслим, 292-ҳадис (зид)

**25.** *«Ким ҳисоб-китобда тафтиш қилинса, албатта ҳалок бўлади.» Оиша: «Аллоҳ таоло "унга осон ҳисоб қилинади" демаганми?» «Бу — фақат кўрсатилишидир. Лекин ким тафтиш қилинса, ҳалок бўлади.»*

Манба: Бухорий, 103-ҳадис; Муслим, 2876-ҳадис

**26.** *«Ҳеч бирингизни амали жаннатга киритмайди.» Саҳобалар: «Сизни ҳам-ми?» «Мени ҳам, магар Аллоҳ Ўз раҳмати ва фазли билан мени ўраб олмаса...»*

Манба: Бухорий, 5673-ҳадис; Муслим, 2816-ҳадис

### Е. Тақдирга иймон

**27.** *«Аллоҳ таоло осмонлар ва ерни яратишдан эллик минг йил олдин махлуқотларнинг тақдирларини ёзиб қўйган.»*

Манба: Муслим, 2653-ҳадис

**28.** *Мусо алайҳиссалом Одам алайҳиссаломга: «Сен одамларни жаннатдан чиқардинг!» деди. Одам: «Сен мени яратилишимдан қирқ йил олдин ёзилган нарса учун маломат қиляпсанми?» деди. Пайғамбар с.а.в.: «Одам Мусони мулзам қилди» дедилар.*

Манба: Бухорий, 7515-ҳадис; Муслим, 2652-ҳадис

**29.** *Саҳобалар: «Унда амал қилишни тарк қилиб, ёзилганга таваккал қилиб қўя қолсак-чи?» У зот: «Йўқ, амал қилинглар! Ҳар ким нима учун яратилган бўлса, шунга муваффақ қилинади.»*

Манба: Бухорий, 4949-ҳадис; Муслим, 2647-ҳадис (зид)

**ИЛМ АҲЛЛАРИ ИЙМОННИ ШУНДАЙ ТАЪРИФЛАШГАН ЭКАНЛАР:**

Иймон — диннинг ботиний (ички), қалбга тегишли бўлган эътиқодидир: Аллоҳга, фаришталарга, китобларга, пайғамбарларга, охиратга ва қадарга ишониш орқали намоён бўлади.

Уламолар таърифича: *«Иймон — қалб билан тасдиқлаш, тил билан иқрор бўлиш ва аъзолар билан амал қилишдир. У Аллоҳга тоат билан зиёда бўлади, гуноҳлар билан камаяди. Ислом ташқи кўриниш бўлса, Иймон — қалбнинг ичидаги нурдир.»*

## III БОБ — ЭҲСОН

**30.** *«Эҳсон — сен Аллоҳга худди Уни кўриб тургандек ибодат қилишингдир. Гарчи сен Уни кўрмасанг ҳам, У сени кўриб турибди.» (Жиброил ҳадисидан)*

Манба: Бухорий, 50-ҳадис; Муслим, 8-ҳадис

**31.** *Ғорда қолган уч киши ҳикояси: тош ғор оғзини бекитганда, ҳар бири фақат Аллоҳ учун, ҳеч ким кўрмасдан қилган энг холис амалини васила қилиб дуо қилди, тош бир-бир сурилиб очилди.*

Манба: Бухорий, 2272-ҳадис; Муслим, 2743-ҳадис

**32.** *«Аллоҳ ҳар бир нарсада эҳсонни фарз қилган. Ўлдирганда ҳам эҳсон билан ўлдиринглар, сўйганда ҳам эҳсон билан сўйинглар. Бирингиз пичоғини яхшилаб ўткирласин ва сўйилаётган жониворни роҳатлантирсин.»*

Манба: Муслим, 1955-ҳадис

**33.** *Қиёмат куни биринчи ҳисоб қилинадиган уч киши: (1) шаҳид қилиб ўлдирилган киши — Аллоҳ унга неъматини эслатади, у тан олади; «Буни нима учун қилдинг?» дейилганда, «Сен йўлингда жиҳод қилиб, шаҳид бўлдим» дейди. Аллоҳ: «Ёлғон гапирдинг, сен жасур дейилиши учун жанг қилдинг, ва шундай ҳам дейилди» дейди — юзтубан судраб дўзахга ташланади. (2) Илм ўрганиб, ўргатган ва Қуръон ўқиган киши — худди шундай сўралади, «Илм ўргандим, ўргатдим ва Сен учун Қуръон ўқидим» дейди. Аллоҳ: «Ёлғон гапирдинг, сен олим ва қори дейилиши учун қилдинг, ва шундай ҳам дейилди» дейди — дўзахга ташланади. (3) Аллоҳ мол-дунё берган киши — «Севган йўлингнинг барчасида (Сен учун) сарфладим» дейди. Аллоҳ: «Ёлғон гапирдинг, сен саховатли дейилиши учун қилдинг, ва шундай ҳам дейилди» дейди — дўзахга ташланади.*

Манба: Муслим, 1905-ҳадис (зид)

### ИЛМ АҲЛЛАРИ ЭҲСОННИ ШУНДАЙ ТАЪРИФЛАШГАН ЭКАНЛАР:

Эҳсон — диннинг энг олий мақоми, гўзаллик ва ҳушёрлик чўққисидир.

Уламолар таърифича: *«Эҳсон — ибодатнинг руҳи ва мағзидир. У икки даражадан иборат: биринчиси — Аллоҳни кўриб тургандек ибодат қилиш; агар бунга эриша олмаса, иккинчиси — Аллоҳ уни кўриб турганини ҳис қилиш. Ким эҳсон мақомига етса, унинг риёси йўқолади ва ихлоси мукаммал бўлади.»*

## IV БОБ — ҚИЁМАТ

**34.** *«Ундан (Соатдан) сўралувчи, сўровчидан кўра билимли эмас.» (Жиброил ҳадисидан)*

Манба: Бухорий, 50-ҳадис; Муслим, 8-ҳадис

**35.** *«Соат шу қадар тўсатдан келадики, ҳатто икки киши мато ёйиб сотаётган пайтда, уни на йиғиштиришга, на сотишга улгурмай қолади.»*

Манба: Бухорий, 7121-ҳадис; Муслим, 2954-ҳадис

**36.** *«Мен ва Соат мана буларга ўхшаймиз» — деб кўрсаткич ва ўрта бармоқларини кўрсатдилар.*

Манба: Бухорий, 6504-ҳадис; Муслим, 867-ҳадис

**37.** *«Сўнг жаҳаннам устига кўприк ташланади, ва мен ва умматим ундан биринчи ўтувчилар бўламиз... Жаҳаннамда илмоқлар бор — улар одамни амалига қараб илиб оладилар.»*

Манба: Бухорий, 806-ҳадис; Муслим, 182-ҳадис

### ИЛМ АҲЛЛАРИ ҚИЁМАТНИ ШУНДАЙ ТАЪРИФЛАШГАН ЭКАНЛАР:

Қиёматнинг вақти — мутлақ ғайб илми бўлиб, уни фақат Аллоҳ билади.

Уламолар таърифича: «"*Сўралувчи бу борада сўровчидан билимлироқ эмас*" *деган ибора банданинг қиёмат вақтини қидириш ўрнига, доимо унга тайёр бўлиб яшаши кераклигига ишорадир.»*

## V БОБ — ҚИЁМАТ АЛОМАТЛАРИ

**38.** *«Илм кўтарилади, жаҳолат зоҳир бўлади, зино кўпаяди, ароқ ичиш кўпаяди, эркаклар камайиб, аёллар кўпаяди — ҳатто эллик аёлга бир қаровчи эркак қолгунча.»*

Манба: Бухорий, 80-ҳадис; Муслим, 2671-ҳадис

**39.** *«Соат қоим бўлмайди, то ўнта аломат чиқмагунча: ер ютилиши шарқда, ер ютилиши ғарбда, ер ютилиши Арабистон ярим оролида, тутун, Дажжол, Доббатул арз (ер ҳайвони), Яъжуж-Маъжуж, Қуёшнинг ботиш томонидан чиқиши, Ийсо ибн Марямнинг тушиши, ва Яманда бир олов чиқиб одамларни маҳшаргоҳга ҳайдаши.»*

Манба: Муслим, 2901-ҳадис

**40.** *Бир киши Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламдан: «Қиёмат қачон бўлади?» деб сўради. У зот: «Унга нима тайёрладинг?» дедилар. У: «Аллоҳ ва Расулига бўлган муҳаббатни» деди. У зот: «Сен ўзинг муҳаббат қилган киши билан бирга бўласан» дедилар.*

Манба: Бухорий, 6171-ҳадис; Муслим, 2639-ҳадис

### ИЛМ АҲЛЛАРИ ҚИЁМАТ АЛОМАТЛАРИНИ ШУНДАЙ ТАЪРИФЛАШГАН ЭКАНЛАР:

Аломатлар — инсониятни ғафлатдан уйғотиш, дунёнинг ўткинчилигини эслатиш ва охиратга тайёргарлик кўриш учун огоҳлантиришдир.

Уламолар таърифича: *«Қиёмат аломатларининг зоҳир бўлиши — коинот тизимининг ўзгариши ва илоҳий ваъданинг яқинлашганидан дарак беради. Жамиятда тартибнинг бузилиши ва моддиятнинг кучайиши маънавият ва маърифат мезонларининг остин-устун бўлишини англатади.»*

## VI БОБ — ЖИБРОИЛ ҲАДИСИДАН ИБРАТ ВА ҲИКМАТЛАР

1. Дин уч аркондан иборат — ислом (амал), иймон (эътиқод), эҳсон (ихлос); булар бир-бирини тўлдиради.
2. Илм олиш одоби — гўзал ва покиза (оқ) кийимда, тиз чўкиб ўтириш; ташқи кўриниш ҳам ички ҳурматнинг ифодасидир.
3. Тиззани тиззага қўйиш — устоз ва шогирд ўртасидаги руҳий яқинлик ҳамда тўлиқ диққат-эътиборнинг рамзи.
4. Эҳсоннинг таърифи — Аллоҳни кўриб тургандек ибодат қилиш, У сени кўриб турганини ҳис этиш.
5. Ғайб илми фақат Аллоҳга хос — қиёмат вақтини на сўровчи, на жавоб берувчи билмайди.
6. Билмасликни тан олиш одоби — Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам энг билимли зот бўла туриб, Соат ҳақида «билмайман» деб очиқ, ийманмасдан айтдилар; бу — юксак мақомдаги одам учун ҳам билмаган нарсани тан олиш уят эмас, одоб эканини кўрсатади.
7. Қиёмат аломатлари ҳикмати — ижтимоий тартибнинг тескари бўлиши, дунёпарастлик ва қадриятлар инқирозининг белгиси.
8. Илм жамоат ва Расулуллоҳга яқин, ишончли саҳобалар ҳузурида, сукунат билан тингланиб берилди — бу гувоҳлик ва тўғри ривоятнинг сақланишига хизмат қилди.
9. Билим амалдан олдин келади — аввал савол-жавоб орқали билим, сўнг амалий ҳаётга оид масалалар ўргатилди.
10. Одам қиёфасидаги фаришта — ғайб ва шоҳид (кўринар ва кўринмас) оламлар ўртасидаги боғлиқликни кўрсатади.
11. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг тавозеи ва сабри — ҳар бир саволга батафсил, шошилмасдан жавоб бердилар.
12. Диннинг соддалиги ва тартиби — бутун дин фақат беш савол-жавобда (Ислом, Иймон, Эҳсон, Қиёмат, унинг аломатлари) жамланиши мумкинлигини кўрсатади.
13. Саволлар тартибидаги ички кўтарилиш — Ислом (кўзга кўринувчи амал), Иймон (қалбдаги эътиқод), Эҳсон (энг юксак ҳолат), Қиёмат ва унинг аломатлари (ғайб) тартибида берилиши — зоҳирдан ботинга, маълумдан номаълумга томон табиий педагогик кўтарилишни кўрсатади.
14. Дин — Аллоҳ ва банда ўртасидаги тўлиқ муносабат: тан билан (амал), қалб билан (эътиқод), руҳ билан (ихлос).
15. Иймон рукнларининг мантиқий тартиби — Аллоҳ, фаришталар, китоблар, пайғамбарлар, охират, қадарга ишониш.
16. Ислом рукнларининг амалий кетма-кетлиги — калима, намоз, закот, рўза, ҳаж — ҳаётнинг барча қатламини қамрайди.
17. Ҳадиснинг жавомиъул калим услубида бўлиши — расмий вазиятда ҳам, оддий суҳбатда ҳам чуқур маъно етказилиши мумкинлигини кўрсатади.
18. Илм изловчининг сабри ва тартиб билан савол бериши — Жиброил барча саволларни бирма-бир, шошилмасдан берди.
19. Гувоҳлик калимасининг қалбий ва амалий мазмуни — тил билан айтишдан кўра, қалб билан тасдиқлаш ва амалда исботлашни талаб қилади.
20. Ислом ва иймоннинг ўзаро ажралмаслиги — зоҳирий амал (ислом) билан ботиний эътиқод (иймон) бирга бўлгандагина дин мукаммал бўлади.
21. Ислом ва иймоннинг зоҳирий-ботиний фарқи — шу фикрни давом эттириб айтиш мумкинки, мунофиқлар зоҳиран амал қилса-да (намоз, рўза, закот), қалбида инкор қилиши мумкин; ҳақиқий иймон қалбдаги тасдиқдир.
22. Ҳадиснинг таълим методи сифатидаги қиймати — савол-жавоб услуби мураккаб мавзуни содда ва ёдда қоладиган шаклга келтиради.

23. Умматга раҳмат — Жиброилнинг саволлари орқали Аллоҳ умматга динини осон ва аниқ тарзда етказиб қўйди.
24. Жавоб берувчининг тўғри жавобини тасдиқлаши («Садақта») — ўргатувчининг билиб туриб тасдиқлаши, ўрганувчиларда ишончни мустаҳкамлайди.
25. Устознинг чақирилмасдан, ўз ташаббуси билан таълим бериши — ҳақиқий илм эҳтиёж борлигини била туриб, ўзи бориб етказиладиган неъматдир.
26. Устоз кимлигининг сўралмаслиги — сўзнинг мазмунига эътибор бериш керак, кимдан келганига эмас; Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам буни маълум муддатдан кейин билдирдилар.
27. Илм илоҳий таълим (ваҳий) орқали берилди — диннинг асл манбаи инсон ақли ёки тажрибаси эмас, Аллоҳ томонидан келган ваҳийдир.
28. Қадарга (тақдирга) ишониш — яхши-ёмон ҳар бир нарса Аллоҳнинг илми ва тақдири билан бўлишига ишониш иймоннинг асосий рукнларидан биридир.

## ХОТИМА

*Аллоҳим, бизни билган нарсамизга амал қилишга, амал қилганимизни ихлос билан қилишга муваффақ қил. Салавот ва салом Пайғамбаримиз Муҳаммадга, у зотнинг оиласи ва саҳобаларига бўлсин. Оламларнинг Робби Аллоҳга ҳамд бўлсин.*

*«Ва эслатгин! Албатта, эслатиш мўминларга манфаат берур» — Зориёт сураси, 55-оят*

ٱلْحَمْدُ لِلَّهِ رَبِّ ٱلْعَالَمِينَ

*Илдизи иймон, танаси Ислом,*
*Мевасидир Эҳсон — топгувчи ором.*
*Ажал — ҳар дарахтнинг ниҳоят куни,*
*Унутма, эй инсон, охиратнинг ўйини!*

Муаллиф: Дервеш

Мадинаи Мунаввара, 2026
Ҳижрий 1448, Рабиул аввал